

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2024 йил февраль ойининг 23 куни, Қашқадарё вилоят суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, тафтиш инстанциясининг очик суд мажлисида, вилоят суди раисининг ўринбосари-жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Ў.Мамадалиевнинг раислигида, ҳайъат судьялари Ф.Қамбарова ва М.Очилонадан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ж.Омоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори С.Назаров, судланган О.Г. ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Тураевнинг иштирокида, О.Г.га нисбатан чиқарилган суд қарорлари устидан О.Г. ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Тураев билан биргаликда тафтиш тартибида берган шикоятини жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2023 йил 20 октябрдаги ҳукмига асосан:

Г.О.Қ., 1997 йил 19 августда Яккабоғ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Яккабоғ туманидаги “Бек” номли ресторанда официант бўлиб ишлайди, Яккабоғ тумани, “Совуқбулоқ” МФЙ, “Совуқбулоқ” қишлоғида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман кўшиш йўли билан узил-кесил ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 2 йил 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Қашқадарё вилоят суди Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 21 ноябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, О.Г. 2019 йил 2 октябрь куни Россия Федерациясининг Москва шаҳрига ишлаш мақсадида бориб, 2021 йил



октябрь ойининг ўрталарида дастлабки тергов ҳаракатларида аниқлаш имкони бўлмаган “Рустам” исмли номаълум шахс билан жиноий тил бириктириб, “Рустам” исмли шахс орқали Россия Федерациясида бўлиш ва ишлаш ҳуқуқини берувчи рухсатнома расмийлаштириб олиш мақсадида ўзига тегишли 26.08.2013 йилда Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ИИБ томонидан берилган АА 2707558 серия рақамли фуқаролик паспортини бирор бир давлатга бориб келганлиги бўйича сохта чегара назорат штамп излари бостириб бериши учун бериб, “Рустам” исмли шахс орқали АА 2707558 серия рақамли фуқаролик паспортининг 34 ва 35-саҳифаларига 10.08.2021 йилда Тошкент шаҳрига келганлиги ва 20.09.2021 йилда Тошкент шаҳридан кетганлиги тўғрисидаги қалбаки “TOSHKENT NY-710” чегара назоратининг штамп изларини бостириб, қалбаки ҳужжатдан 23.08.2023 йилга қадар фойдаланиб келган.

О.Г. ўзининг ҳимоячиси-адвокат Ж.Тураев билан биргаликда берган шикоятда, айблилик масаласини ҳал қилмасдан ЖКнинг 70,71-моддаларига асосан жазодан озод қилишни ёки ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгилроқ жарима жазоси тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича судья М.Очилованинг маърузасини, судланган О.Г. ва унинг ҳимоячиси-адвокат Ж.Тураевнинг шикоятни қаноатлантириб, тайинланган жазони жарима жазосига алмаштириш ҳақидаги, прокурор С.Назаровнинг О.Г.га нисбатан жазо тайинлашда ЖКнинг 57-моддасини қўллашга эътирози йўқлиги ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, шикоятда келтирилган важларни жиноят иши ҳужжатлари ва тафтиш инстанцияси судида аниқланган ҳолатлар билан атрофлича муҳокама қилиб, қўйидаги тўхтамга келди.

Судланган О.Г. тафтиш инстанцияси судида, айбига иқдор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий шароити оғирлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, ота-онаси оғир бетоб эканлиги, уларнинг ишлаш ва оила тебратиш имкони йўқлигини, мазкур жиноятни ҳам иқтисодий етишмовчилик туфайли қилмишининг оқибатини тушуниб етмаган ҳолда содир этганлигини, ҳозирда Яккабоғ туманидаги “Бек” номли ресторанда официант бўлиб ишласа-да, маоши ота-онасининг дори-дармонидан ортмаётганлигини, жазодан озод қилинса ёки жазо енгилроқ жарима жазосига алмаштирилса, жаримани тўлаб, Россия Федерациясига ишлаш учун кетмоқчи эканлигини билдириб, жазодан озод қилишни ёки тайинланган жазони ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгилроқ жарима жазосига алмаштириб беришни сўради.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан судланган О.Г.нинг ҳаракатларига тўлиқ ҳуқуқий баҳо берилиб, унинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 228-моддасининг 3-қисми билан тўғри квалификация қилинган ҳолда қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, тўғри хулосага келинган бўлса-да, бироқ, унинг оилавий шароити,



қарамоғида моддий таъминотга муҳтож ота-онаси борлиги ва ягона боқувчи эканлиги инобатга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

- ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 1, 3-бандларида, судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бундай ҳолда О.Г.нинг шикоятдаги жазодан озод қилиш ҳақидаги вазларни асосли деб бўлмади.

Судлов ҳайъати О.Г.нинг иқтисодий аҳволини, оилавий шароити оғир ва оилада ягона боқувчи эканлигини, ота-онаси оғир бетоб бўлиб, О.Г.нинг кўмагига муҳтож эканликларини, содир этган жиноятдан тўғри хулоса чиқариб, ўзига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаб келаётган бўлса-да, Россия Федерациясида ишлаб, ўзининг иқтисодий аҳволини яхшилаш ниятида эканлигини инобатга олиб, одиллик ҳамда инсонпарварлик принципларига амал қилган ҳолда, суд қарорларини ўзгартиришни, О.Г.га ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, қонун санкциясида назарда тутилмаган бошқа турдаги яъни жарима жазоси, 228-моддасининг 3-қисми билан қонун санкцияси доирасида жиноят содир қилинган вақтда амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда жарима жазоси тайинлашни, ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил жарима жазоси тайинлашни, у томонидан ўталган 1 ой 23 кун (базавий ҳисоблаш миқдорининг 28 бараварига тенглаштирилади) ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ЖК 44,



62-моддаларига асосан тайинланган жарима суммасидан чегиришни, суд ҳукмининг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, шикоятни қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 482, 483, 485, 490, 495, 510, 521⁴ ва 521⁶-моддаларига асосан тафтиш инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Г.О.Қ.га нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2023 йил 20 октябрдаги ҳукми ва Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 21 ноябрдаги ажрими ўзгартирилсин.

О.Г.га:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари – 16.500.000 сўм жарима жазоси;

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари – 8.250.000 сўм жарима жазоси;

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 59-моддаси тартибида тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари – 16.500.000 сўм жарима жазоси тайинлансин;

- Ўзбекистон Республикаси ЖК 62-моддасига асосан О.Г.нинг ўтаган 1 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси базавий ҳисоблаш миқдорининг 28 бараварига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан чегирилсин ва унга ўташ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 22 (йигирма икки) баравари – 7.260.000 (етти миллион икки юз олтмиш минг)сўм жарима жазоси қолдирилсин.

Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят беришлари, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ў. Мамадалиев

Ҳайъат судьялари

Ф.Қамбарова

М.Очилова

